O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR
VAZIRLIGI

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI SAMARQAND FILIALI
SAMARKAND BRANCH OF TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS
TDIU SF

“O‘ZBEKISTONDA MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARINI JORIY ETISH TENDENSIYALARI”

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

ILMIY MAQOLALAR TO‘PLAMI

22–23 MAY 2026 YIL



12.	**MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARINI QO‘LLASHNING MOLIYA BOZORI ISHTIROKCHILARI FAOLIYATI SAMARADORLIGIGA TA’SIRI** *Hotamqulova Madina*	81
13.	**MAMLAKAT TARAQQIYOTIDA BUXGALTERIYA HISOBINING O‘RNI VA YASHIRIN IQTISODIYOTNI KAMAYTIRISHDA MHXSNING STRATEGIK AHAMIYATI** *Rahmatullayev Mehroj Alijon o‘g‘li, Mirzayev Behzod Abdug’ofur o’gli*	86
14.	**SUG’URTA TASHKILOTLARIDA MOLIYAVIY NATIJALARNI SHAKLLANTIRISHNING IFRS 17 ASOSIDAGI YANGI MODELI** *Egamberdiyeva Hilolaoy Olimjon qizi*	93
15.	**SUG’URTA TASHKILOTLARIDA XALQARO STADARTLAR ASOSIDA XARAJATLAR HISOBINI TAKOMILASHTIRISH** *Raximov Xoshim Amirkulovich*	100
16.	**TIBBIY XIZMATLAR KORXONALARIDA MHXS ASOSIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI** *Maxmudova Aziza Akmalovna*	109
17.	**BALIQCHILIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARINI QO‘LLASHNING AMALIY AHAMIYATI** *Muydinov Olim Bekmuratovich*	123
18.	**KORXONALARNI QO‘SHIB OLISH JARAYONLARIDA MHXS ASOSIDA HISOB VA HISOBOTNI TAKOMILLASHTIRISH** *Abdurasulov Jamshidbek Axmad ug‘li*	129
19.	**KUTILAYOTGAN KREDIT ZARARLARI MODELINI MILLIY DEBITORLIK QARZLARINI HISOBGA OLISH TIZIMIGA INTEGRATSIYALASH** *Ablakulova Shaxnoza G’ayrat qizi, G’aniyev Ibragim Mamadiyevich*	136
20.	**КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ПОЛОЖЕНИЯ МСФО (IFRS) 18 И НАПРАВЛЕНИЯ ТРАНСФОРМАТSII ФИНАНСОВОЙ ОТЧЁТНОСТИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН** *Якубова Шохиста Шухратовна*	146
21.	***РОЛЬ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ФОРМИРОВАНИИ ESG И МЕЖДУНАРОДНОЙ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ*** *Мирзаева Сабина Хушнудовна*	157
22.	**ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ** *Ёдгоров Хушвакт Мансурович*	165
23.	**ДОРИ ВОСИТАЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ** *Ёдгоров Хушвакт Мансурович*	172

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ёдгоров Хушвакт Мансурович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
мустақил тадқиқотчиси
yodgorovkhushvaqt@gmail.com
Тел.: +998979191116

Аннотатsiя. *Мақолада дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг умумий тавсифи, мазкур соҳа тармоқлари корхоналарининг мамлакат миллий иқтисодиёти равнақи йўлида тутган ўрни ва унинг аҳамияти, дори воситалари саноати корхоналарида тайёр маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари, ишлаб чиқариш босқичлари бўйича жараёнлар бухгалтерия ҳисобини юитишнинг мақсад ва вазифалари, дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги ташкилий ва ҳуқуқий масалалари, ушбу корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек мазкур мақолада дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида омборлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг зарурияти ва уларнинг вазифалари тавсифи, асосий ишлаб чиқариш босқичининг таркиби ва ҳар бир жараёнлар бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *фармацевтика фаолияти, фармацевтика корхоналари, дори воситалари, дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 19 августда қабул қилинган “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида келтирилган “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида халқаро сифат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солиш”[47] мақсаддан келиб чиқиб, мамлакатда дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида муҳим

[47] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2025 йил 19 август. ПФ-137-сон.

вазифалар қўйилди. Жумладан, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларини халқаро тажрибалар асосида ташкил этиш орқали сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришиш, ишлаб чиқариш жараёнларини рақамли технологияларни киритиш орқали қайта модернизatsiялаш, корхоналарнинг дори воситалари ишлаб чиқарилиши учун “GMP” – “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти” миллий сертификатига эга бўлишини таъминлаш ва шу каби бошқа бир қанча вазифалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган бўлиб, ушбу муайян вазифалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатда аҳоли учун зарурий, сифатли ва арзон дори воситаларини ишлаб чиқариш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Саноат тармоқлари маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари турлича амалга оширилади ва бу ишлаб чиқариш корхонасининг хусусиятига боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Мисол учун, ёғ-мой саноатида ишлаб чиқариш технологияси бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясидан фарқ қилади. Бу борада тадқиқотлар олиб борган олим Б.Ф.Боронов қуйидаги фикрларни илгари суради: “ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни турли хил цехларда босқичма-босқич амалга оширилади, яъни бўлимларда ишлаб чиқарилган ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар асосий омбор орқали бўлимларга келиб тушади. Манашу ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича харажатлар бўлимларда алоҳида ҳисобга олинади. Бундай бўлимларга асосий ишлов бериш, рафинatsiя, дезодаratsiя, қадоқлаш каби бўлимларни киритиш мумкин”[48].

Меъёрий ҳужжатларда қуйидаги таъриф келтирилган: “дори воситалари – касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек одам организмининг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари”[49].

[48] Боронов, Б. Ф. "Ёғ-мой маҳсулотлари ҳисоби методологиясини такомиллаштириш." *Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация,-244 б* (2023)

[49] Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Дори воситаларининг фармакологик назорати ва тиббий жиҳозларнинг хавфсизлиги мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 2026 йил 12 январ. 3752-сон.

Дори воситалари ишлаб чиқариш фаолияти анча мураккаб жараёнлардан ташкил топиб, ушбу жараёнларда бир қанча бўлимлар ишлаб чиқаришнинг алоҳида бўғини сифатида қатнашади. Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш қуйида келтирилган бўлимлар кесимида амалга оширилади:

* материаллар омборхонаси;
* тайёр маҳсулотлар омборхонаси;
* асосий ишлаб чиқариш бўлими;
* ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлими;
* умумишлаб чиқариш бўлими.

Мазкур илмий изланишларимиз давомида юқоридаги тадқиқот натижаларидан хулоса қилинган ҳолда Республикамизда фаолият юритаётган корхоналарда дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг такомиллашган тартиби ишлаб чиқилди. Бизнинг назаримизда, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисобини юритишда корхона бўлимлари қуйидаги тартибда ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди:

1. Омборхоналар:

1.1. Марказий омборхона;

1.2. Карантинда сақлаш омборхонаси;

1.3. Тайёр дори воситалари омборхонаси.

2. Ишлаб чиқариш хўжаликлари:

2.1. Асосий ишлаб чиқариш хўжалиги:

2.1.1. Дори воситаларини тайёрлаш цехи;

2.1.2. Бирламчи қадоқлаш цехи;

2.1.3. Иккиламчи қадоқлаш цехи.

2.2. Ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжалиги:

2.2.1. Преформа ишлаб чиқариш цехи;

2.2.2. Флакон учун илгак ишлаб чиқариш цехи;

2.2.3. Флакон учун евроқопқоқ ишлаб чиқариш цехи;

2.2.4. Евроқопқоқ учун ички ва ташқи қисмлар ишлаб чиқариш цехи;

2.2.5. Рақамли маркировка штрих-коди тайёрлаш цехи.

2.3. Умумишлаб чиқариш хўжалиги:

2.3.1. Муҳандислик бўлими;

2.3.2. Сифат департаменти:

2.3.2.1. Интегратсиялашган бошқарув тизими бўлими (ИСМ);

2.3.2.2. Сифат назорати бўлими (ОКК).

Илмий изланишлар давомида дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳар бир босқичида қатнашадиган бўлимларнинг тавсифи ва уларнинг вазифалари тадқиқ этилди.

Омборхоналар. Таъминот жараёни ҳар бир корхона асосий фаолиятининг энг асосий ва муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, таъминот жараённинг сўнгги босқичи омборхонада якунланади. Дори воситалари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда ҳам таъминот жараёнлари бошқа соҳа корхоналари каби амалга оширилиб, ишлаб чиқариш учун зарурий хом ашё ва материаллар омборхонага кирим қилинади. Бундай омборхоналар дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида **марказий омборхона** деб аталади. Марказий омборхонанинг асосий вазифаси хом ашё ва материалларни уларнинг сифатига зарар етказдирмасдан сақлаш, харид қилиш, ортиш, туширирш, етказиб бериш, ташиш каби жараёнлар натижасида вужудга келиши мумкин бўлган камомадларни инвентаризatsiя қилиш орқали аниқлаш ва бошқалар ҳисобланади. Марказий омборхонанинг яна битта вазифаси бу корхонада ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни ҳам сақлаш бўлиб ҳисобланади. Марказий омборхонада хом ашё ва материаллар 4 та ҳолат бўйича сақланган ҳолда ҳисобга олинади:

1. Карантин ҳолатида. Бунда, сариқ рангли карточка ёпиштирилади. Корхонада хом ашё ва материаллар дастлаб кирим қилинганда мазкур ҳолат бўйича ҳисобга олинади. Бу каби жараёнларга сертификат каби ҳужжатлари ёки лаборатория синовлари таҳлили натижалари тўлиқ чиқмаган хом ашё ва материаллар мисол бўла олади.

2. Таъқиқланган ҳолатда. Бунда, қизил рангли карточка ёпиштирилади. Корхонада хом ашё ва материалларнинг яроқлилик муддати тугаган ёки лаборатория синовлари таҳлили натижалари салбий чиқган вазиятда, шунингдек хом ашё ва материалларнинг қадоғи шикастланганда қизил рангли карточка бўйича ҳисобга олинади. Корхоналарда бундай вазиятларда хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнларига топширилмай, балки камчиликларини бартараф этиш чоралари кўрилади.

3. Рухсат берилган ҳолатда. Бунда, яшил рангли карточка ёпиштирилади. Ушбу ҳолатда хом ашё ва материалларнинг барча ҳужжатлари мавжуд бўлганда, шунингдек лаборатория синовларидан

муваффақиятли ўтган тақдирда ҳисобга олинади. Ушбу ҳолат қайд этилганда хом ашё ва материаллар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларига топширилади.

4. Синов ҳолатида. Бунда, кўк рангли карточка ёпиштирилади. Хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнига топшириш учун эмас, балки лаборатория синовларини ўтказиш мақсадида омборга кирим қилинса синов ҳолати бўйича ҳисобга олинади. Бундай ҳолат асосан корхонада янги турдаги дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлган қўйиш, жумладан тадқиқот ва ишланмаларни амалга ошириш мақсадида юзага келиши мумкин.

Бундан ташқари, дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида яна бошқа турли мақсадларда омборхоналар ташкил этилади. Бундай омборхоналардан яна бири бу **карантинда сақлаш омборхонаси** ҳисобланади. Карантинда сақлаш омборхонаси дори воситаларини тайёрлаш жараёнлари якунлангандан кейин уларни сақлаш учун мўлжалланган омборхона ҳисобланади.

Барча ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларининг барча босқичи тугаганидан сўнг ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар уларни сотиш мақсадида корхонанинг тайёр маҳсулотлар омборига топширилади. Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар **тайёр дори воситалари омборхонаси**га топширилади. Корхонада ишлаб чиқарилган ҳар бир дори воситалари уларнинг турлари бўйича омборхонада алоҳида сақланади ва уларнинг фойдаланиш муддати доимий равишда ходимлар томонидан назоратда бўлади. Бундан кўриниб турибдики, омборхоналар бухгалтерия ҳисобини уларнинг таркибий қисмлари бўйича ташкил этиш дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг яна бир муҳим ажралиб турувчи жиҳати ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш хўжаликлари. **Асосий ишлаб чиқариш хўжалиги.** Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида асосий ишлаб чиқариш жараёнлари уч босқичда амалга оширилади. Асосий ишлаб чиқариш бўлимининг биринчи вазифаси **дори воситаларини тайёрлаш цехи**да амалга оширилиб, ушбу цехда хом ашё ва материаллар, жумладан дори воситалари ишлаб чиқариш учун энг муҳим хом ашё ҳисобланадиган субстанциялар марказий омборхонадан асосий ишлаб чиқариш жараёнига

топширилади. Дори воситаларини тайёрлаш цехида қуйидаги жараёнлар амалга оширилади:

* флакон ишлаб чиқариш жараёни;
* дистилланган сув тайёрлаш жараёни;
* эритма тайёрлаш жараёни;
* флаконни стерилизатsiя қилиш жараёни;
* эритмани флаконга қуйиш жараёни;
* флаконни евроқопқоқ билан ёпиш жараёни;
* флаконни қайта стерилизатsiя қилиш жараёни;
* дори воситаларини ёруғлик назоратидан ўтказиш (светоконтрол) жараёни.

Дори воситалари қадоқланиши талаб этиладиган маҳсулотлар таркибига кирганлиги боис, улар ишлаб чиқариш цехларида тайёрлангандан кейин бирламчи қадоқлаш жараёнини амалга ошириш учун **бирламчи қадоқлаш цехи**га топширилади. Ушбу цехнинг асосий вазифаси дори воситаларини корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ёрдамчи маҳсулотлар ёрдамида қадоқлаш бўлиб ҳисобланади. Дори воситалари бирламчи ўрам (immediate packaging) дори воситалари ва иккиламчи ўрам (outer packaging) дори воситаларига таснифланади. Бирламчи ўрам (immediate packaging) – бу дори воситаларини ўраб жойлаштириш ёки дори воситаси билан бевосита ёпишиб турадиган қадоқ (идиш). Иккиламчи ўрам (outer packaging) – бирламчи ўрамдаги дори воситалари жойлаштирилган ташқи ўрам.

Корхоналарда бирламчи қадоқлаш жараёни тугаганидан кейин, дори воситалари уларни карантинда сақлаш омборхонасига топширилади. Карантинда сақлаш омборхонаси жараёнлари тугаганидан кейин фақатгина, бирламчи ўрам дори воситалари тайёр маҳсулот сифатида тан олинади ва уларни сотиш мақсадида тайёр дори воситалари омборхонасига топширилади. Иккиламчи дори воситалари эса, мазкур ишлаб чиқариш цехида ярим тайёр маҳсулот сифатида тан олинади ҳамда кейинги босқичга қайта ишлаш учун топширилади.

Дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари натижасида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар, яъни иккиламчи дори воситалари **иккиламчи қадоқлаш цехи**да қайта қадоқланади. Мазкур цех бўйича жараёнлар якунига етганидан кейин иккиламчи дори воситалари ҳам худди бирламчи дори воситалари каби карантинда сақлаш мақсадида карантинда сақлаш омборхонасига топширилади ва ушбу жараёндан кейингина ушбу

маҳсулотлар тайёр маҳсулот сифатида тайёр дори воситалари омборхонасига топширилади.

Дори воситалари саноати тармоқларида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналарининг юқорида келтирилган ўзига хос хусусиятлари ушбу тармоқ корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритишда ўзига хос ёндашувларни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2025 йил 19 август. ПФ-137-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Дори воситаларининг фармакологик назорати ва тиббий жиҳозларнинг хавфсизлиги мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 2026 йил 12 январ. 3752-сон.

3. Боронов, Б. Ф. "Ёғ-мой маҳсулотлари ҳисоби методологиясини такомиллаштириш." *Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертатsiя,-244 б* (2023).

4. Боронов, Бобур Фарходович. "Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш." *ISSN 2181-3191 VOLUME 1, ISSUE 7 OCTOBER 2022* (2022): 202284

5. Farxodovich, Boronov Bobur, Xudaynazarova Dilnoza Gafurovna, and Yodgorov Xushvaqt Mansurovich. "Farmasevtika korxonalarida buxgalteriya hisobining o‘ziga xos xususiyatlari." *FRONTIERS OF KNOWLEDGE AND INTERDISCIPLINARY DISCOVERY* 1.1 (2025): 282-28